

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МЕНГЛИБОВ АҚМАЛ ХОЛТЎРАЕВИЧ

**“ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ БУХОРОДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ
ЎРНАТИЛИШИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ (СУРХОН ВОҲАСИ
МИСОЛИДА, 1920-1930 ЙИЛЛАР)”**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Менглибоев Акмал Холтўраевич

Жануби-Шарқий Бухорода совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши кураш (Сурхон воҳаси мисолида 1920-1930 йиллар).....5

Менглибоев Акмал Холтураевич

Установление Советской власти в Юго-Восточной Бухаре и борьба с ней (на примере Сурханского оазиса 1920-1930 гг.).....23

Mengliboev Akmal Kholturaevich

The establishment of Soviet power in South-Eastern Bukhara and the fight against it (on the example of the Surkhan oasis of 1920-1930).....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МЕНГЛИБОЕВ АКМАЛ ХОЛТЎРАЕВИЧ

**“ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ БУХОРОДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ
ЎРНАТИЛИШИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ (СУРХОН ВОҲАСИ
МИСОЛИДА, 1920-1930 ЙИЛЛАР)”**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Таг674
билан рўйхатга олинган**

Диссертация Термиз давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tersu.uz) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент

Ирисқулов Олимжон Жаҳонгирович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент.

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019. Таг.78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» март соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол Авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (99876) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Тер.ДУ Баркамол Авлод кўчаси, № 43 уй. Тел.: (99876) 224-15-82, факс: (376) 221-74-55, 221-71-17 e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация автореферат 2022 йил «__» __ кунда тарқатилди.
(2022 йил «__» __ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ҳ.Холиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, т.ф.д, профессор.

Ҳ. Э. Холмўминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.н. доцент.

Э.О.Қобулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги Илмий семинар раиси,
т.ф.д.профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида юз бераётган глобаллашув шароитида турли минтақаларда кечаётган ижтимоий-сиёсий инқирозлар, муайян гуруҳларнинг тўқнашувлари ва уларнинг вужудга келиш сабабларини ўрганиш долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Айниқса, жаҳоннинг айрим ҳудудларида турли ғоя ва фикрларни ўз мафкурасига айлантириб, давлат ҳокимиятига бўйсунмаслик ҳаракатлари, тўқнашувлар ва ҳатто, ички урушларни уюштириш ҳолатлари ҳозир ҳам кузатилмоқда. Ана шундай муаммоларни олдини олиш, нотинчлик муҳити вужудга келишига йўл қўймаслик ва юрт тинчлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб саналади.

Дунёнинг Англия, Россия, АҚШ, Франция, Германия, Туркия каби мамлакатлари томонидан Марказий Осиё минтақаларини ўрганишга ихтисослашган илмий тадқиқот марказлари ўз дастурларида мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни ўрганиш, турли халқларнинг чет эл мустамлакачиларига қарши курашини тарихий ҳужжатлар асосида ёритиш бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейин Туркистон, Бухоро ва Хива минтақаларида большевиклар ҳукмронлигига қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракатлари, қаршилик ҳаракатини тугатишда юзага келган мураккаб ҳолатлар ҳар томонлама ўрганилмоқда. Мазкур изланишлар ушбу масала бўйича зарурий хулосалар чиқариш, шунингдек, назарий ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳатлар туфайли тарихчи олимларимиз томонидан ўлкада совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан боғлиқ тарихий жараёнларни ҳолисона ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, XX асрнинг 20-30 йилларида Сурхондарё ҳудудида совет режимининг ўрнатилиши натижасида вужудга келган қаршилик ҳаракати шу қадар кескин тус олдики, уни ҳар томонлама тадқиқ этиш ўша даврни реал тасаввур қилишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «...Биз шу вақтгача тарихнинг ўзимизга ёққан жойларини олиб, ёқмаган томонини яшириб ўтдик. Бировга ёқадими-ёқмайдими, ғуруримизми-армонимизми, муваффақиятми ё хиёнатми - ҳаммасини ҳаққоний ёзиш керак»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги Ф-5598-сон «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги 936-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/31/president/>

Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва шу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги:

Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» дастурининг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси: Жануби-Шарқий Бухоро, шу жумладан, Сурхон воҳасида 1920-1930 йилларда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракати тарихига доир тадқиқотлар қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилди: 1. Совет даври адабиётлари; 2. Мустақиллик йилларидаги тадқиқотлар; 3. Чет эл тадқиқотчиларининг асарлари.

Биринчи гуруҳга оид адабиётлар икки гуруҳга бўлинади. 1920-1930 йилларда яратилган асарлар биринчи гуруҳни, 1950-йиллардан то мустақилликкача бўлган даврдаги адабиётлар эса иккинчи гуруҳни ташкил этади.

1920-1930 йилларда яратилган асарларнинг муаллифлари миллий зиёлилар, тарихчилар, ҳарбий қўмондонлар, махсус хизмат ходимлари, давлат арбоблари эди. Ўша даврни баҳолашга уринган муаллифлар юз бераётган жараёнларнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Масалан, Д.Соловейчик², С.Айний³, В.А.Гурко-Кряжин⁴, Ф.Хўжаев⁵, Е. Козловский⁶, Ф.Ильютко⁷, О.Оқчурун⁸, Г.Агабеков⁹, Б.Г.Ғафуров¹⁰ каби муаллифларнинг асарларида миллий ҳаракат катнашчиларига бир ёқлама ёндошилган бўлсада, реал воқелик маълум даражада холис таҳлил этилган.

1950-1980 йилларга оид адабиётларга А.Х.Бобохўжаев¹¹, А.И.Зевелев¹², Б.И.Искандаров¹³, А.И.Ишанов¹⁴, Я.А.Мелькумов¹⁵, М.И.Иркаев¹⁶,

² Соловейчик Д. Очерк возникновения и развития современного басмачества в Бухаре. - Москва : Красная ночь, 1923.

³ Айни С. Материалы по истории Бухарской революции. -Москва, 1926.

⁴ Гурко-Кряжин В.А. Английская интервенция 1918-1919 гг. в Закаспии и Закавказье // Историк-марксист, №2, 1926.

⁵ Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. -Ташкент, 1926.

⁶ Козловский Е. Красная Армия в Средней Азии. Военно-исторический очерк. -Ташкент, 1928.

⁷ Ильютко Ф. Басмачество в Локае. С 4 схемами. Москва-Ленинград. 1929.

⁸ Акчурун А. Воспоминания о двадцатом годе в Хиве и в Бухаре // Сборник статей к десятилетию Бухарской и Хорезмской революции (Воспоминания участников Бухарской и Хорезмской революции). -Ташкент, 1930.

⁹ Агабеков Г. ГПУ: записки чекиста. -Берлин: Стрела, 1930.

¹⁰ Гафуров Б. Г., Прохоров Н. Н. Падение Бухарского эмирата. К 20 летию Советской революции в Бухаре (1920-1940 г.). -Сталинабад, 1940.

¹¹ Бабаходжаев А.Х. Провал агрессивной политики английского империализма в Средней Азии в 1917-1920 гг. - Ташкент, 1955.

¹² Зевелев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. -Ташкент, 1959; Зевелев А.И., Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Басмачество: возникновение, сущность, крах. — Москва: Наука, 1981.

¹³ Искандаров Б.И. Из истории Бухарского эмирата (Восточная Бухара и Западный Памир в конце XIX века). - Москва, 1958.

¹⁴ Ишанов А.И. Победа Народной Советской революции в Бухаре. -Ташкент, 1957.

¹⁵ Мелькумов Я.А. Туркестанцы. -Москва: Воениздат, 1960.

С.М.Будённий¹⁷, Ю.А.Поляков, А.И. Чугунов¹⁸, Ш.Х.Иноят¹⁹ ва бошқа муаллифларнинг монографиялари, рисоалари, мемуарларини киритиш мумкин. Мазкур асарлар коммунистик мафкура ва совет ҳукумати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилган. Бу эса, ушбу тадқиқотларга танқидий ёндошишни талаб этади.

Мустақиллик йилларида яратилган асарларда тарихий воқеаларнинг ҳолисона ёритилганлигини кўриш мумкин. Чунончи, 1992-2001 йилларда миллий-озодлик ҳаракати қатнашчилари ва шу воқеаларнинг гувоҳлари томонидан яратилган асарлар ўзбек тилига ўгирилиб, илмий жамоатчиликка етказилди²⁰. Бухоро амирлигида 1917-1920 йиллардаги воқеалар жараёни ва миллий зиёлилар ўртасидаги қарама-қаршиликлар акс этган асарлар чоп этилди²¹. Шарқий Бухоро, шу жумладан, Сурхондарёда Совет ҳокимиятига қарши олиб борилган курашни ёритувчи бир қатор асарлар эълон қилинди²². Совет ҳокимиятининг 1920-1940 йилларда ўлкада юритган ижтимоий-иқтисодий ва маданий сиёсатини ҳолисона таҳлил этилган тадқиқотлар амалга оширилди²³. Мавзу бўйича бир қатор докторлик диссертациялари ёқланди²⁴.

Сурхон воҳасининг 1920-1930 йиллар тарихини ўрганишда маҳаллий тарихчиларнинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, С.Н.Турсунов²⁵, Н.Ҳайит²⁶, И.Умаров²⁷, А.Холмирзаев²⁸, М.Азимовнинг²⁹

¹⁶ Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. – Душанбе, 1963.

¹⁷ Будённий С.М. Пройденный путь. Военные мемуары. Книга 3. – Москва: Воениздат, 1973.

¹⁸ Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Конец басмачества. – Москва: Наука, 1976.

¹⁹ Иноят Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. – Москва: Мысль, 1984.

²⁰ Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. – Тошкент: Фан, 1991; Мунаввар Қори. Хотираларим // Турон тарихи. Оммабоп мажмуа. – Тошкент, 1992; Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси “Минҳож” хайрия нашриёти, 1992; Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ер. – Тошкент: Адолат, 1997; Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар // Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. – Тошкент: Фан, 1997; Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий (Фойдали тарих). – Тошкент: Академия. 2001.

²¹ Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011; Наимов Н. Бухоро жадидлари. – Тошкент: Фан, 2000; Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002.

²² Ражабов Қ. Бухорога Қизил Армия босқини ва унга қарши кураш. Тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар). – Тошкент: Маънавият, 2002; Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. – Тошкент, 2006; Рашидов У. Бухоро босқини ва совет тузумига қарши кураш. – Бухоро, 2008.

²³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент, 2000; Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924 йиллар). – Бухоро, 2003; Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Т. I-III. Сост.: Р. Шамсутдинов, Б. Расулов. Под ред. Д. А. Алимовой. Т. I. – Т.: Шарк, 2006; Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарк, 2007; Алимова Д. А. История как история, история как наука. Том I. Историческое сознание. Ташкент: Узбекистан, 2008.

²⁴ Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019; Хасанова Н. И. Ўзбекистонда совет ҳукуматининг маданий-маънавий сиёсати ва унинг натижалари (Сурхон воҳаси ҳудуди мисолида, 1917-1941 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Термиз, 2021; Равшанова Г. П. Қашқадарё воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат (1920-1930 йиллар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Қарши, 2022.

²⁵ Турсунов С., Қобулов Х., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. Тошкент: Шарк, 2001.

Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: Akademhashr, 2011; Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2014; Турсунов С.Н., Эшбоев Қ.П., Тўхтаев А.Қ., Хўжаназаров А.З. Кумқўргон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Yangi nashr, 2019; Турсунов С., Қобулов Э., Муртазоев Б., Пардаев Б., Умаров И. Термиз тарихи. – Тошкент: YANGI NASHR, 2019.

асарларида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши миллий озодлик ҳаракатининг олиб борилиши ва унинг натижалари, мазкур даврнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи таҳлил этилган.

Чет давлатларда мазкур масалага оид бўлган кўплаб илмий-тарихий асарлар ва мақолалар чоп этилдики, улар қаршилик ҳаракатини холисона ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Абдулла Ражаб Бойсуний³⁰, Шаҳобиддин Яссавий³¹, Боймирза Ҳайит³², Эерер Текин³³, Б.А.Старков³⁴, В.Л.Генис³⁵, А.И.Пилев³⁶, С.П.Тимошков³⁷, П.Густерин³⁸ ва бошқаларнинг асарлари ўз долзарблиги, кенг қамровлиги ҳамда амалий аҳамияти билан алоҳида ажралиб туради.

Бироқ қайд этиш жоизки, ушбу тадқиқотлар ўрганилаётган мавзунинг маълум жиҳатларини ёритишга қаратилганлиги билан характерланади. Юқорида қайд этилган монографиялар, рисоалар, илмий мақолаларда Сурхон воҳасидаги қаршилик ҳаракати бир ёқлама ҳамда қисқа баён этилиши билан ажралиб туради. Чунончи, совет даврида яратилган асарлар коммунистик мафкура сиёсатини ижобий баҳолаш ва ноҳолисона таҳлил этишга бағишланган бўлиб, ушбу адабиётлардан мавзуни ўрганиш даврида танқидий-холисона ҳамда таққослаш нуқтаи-назаридан фойдаланиш мумкин. Мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётлар ҳам мавзуни тўлиқ ёритолмайди. Улардан фақат мавзуни ёритишда қисман фойдаланиш мумкин. Бу эса мазкур мавзуни алоҳида тадқиқот иши сифатида танлаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг АТД-1 «Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида моддий ва маънавий маданият» мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

²⁶ Ҳайит Н, Усмон Т. Кураш йиллари. – Тошкент: Меҳнат, 1992.

²⁷ Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2014.

²⁸ Холмирзаев А. Термиз тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Санъат журнали, 2008.

²⁹ Азимов М. Термиз тарихи. –Қарши: Насаф, 2001.

³⁰ Abdullah Receb Baysun Turkistanli. Turkistan Milli Hareketleri. – Istanbul, 1945.

³¹ Шаҳобиддин Яссавий Исмоилшайх ўғли. Turkistan Acciq Haqiqatlari. 2-Baski. (араб ёзувидаги ўзбек тилида). – Истанбул, 1984.

³² Hayit Boymirza. «Basmacılar». Turkistan milli mucadele tarixi (1917-1934). Turkiye diyanet vakfi yayinlari. Ankara, 1997

³³ Eger Tekin. Enver Paşanın Türkistan Kurtuluş savaşı. İstanbul, 1971.

³⁴ Старков Б.А. Февральский излом 1917 года // Журнал «Общество. Среда. Развитие». №4(5), 2007 года. – С. 30-45.

³⁵ Генис В. «С Бухарой надо кончать...» К истории бутафорских революций. Документальная хроника. –Москва: МНПИ, 2001; Ўша муаллиф. Вице-консул Введенский. Служба в Персии и Бухарском ханстве (1906-1920 гг.). Российская дипломатия в судьбах. – Москва: Социально-политическая мысль, 2003.

³⁶ Пылев А.И. Политическое положение Бухарского эмирата и Хивинского ханства в 1917-1920 гг. –СПб., 2005.

³⁷ Тимошков С.П. Борьба с интервентами, белогвардейцами и басмачеством в Средней Азии // Шумов А.С., Андреев А.Р. Басмачество. –Москва: Эксмо-Алгоритм. 2005.

³⁸ Густерин П. История Ибрагим-бека. Басмачество одного курбаши с его слов. Saarbrücken: LAP LAMBERT, 2014.

Тадқиқотнинг мақсади: Жануби - Шарқий Бухоро, шу жумладан, Сурхон воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши 1920-1930 йилларда олиб борилган қуролли кураш тарихини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Совет ҳокимияти ўрнатилиши арафасида Жануби-Шарқий Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазиятни таҳлил этиш;

Сурхон воҳасида Қизил Армия босқинига қарши курашган миллий қаҳрамонларнинг мақсад ва вазифаларини очиб бериш;

1920-1922 йилларда Сурхон воҳасидаги миллий озодлик ҳаракатига бошчилик қилган етакчиларнинг ғоявий қарашлари ва уларнинг жангларини ёритиш;

халқ озодлиги учун кураш олиб борган гуруҳларнинг мағлубиятга учраш сабабларини кўрсатиб бериш;

Совет ҳукуматининг миллий озодлик ҳаракатига қарши амалга оширган ижтимоий-сиёсий чоралари, ер-сув ислоҳотларини ўтказишнинг туб моҳияти ва мазмунини аниқлаш;

Совет ҳукуматининг қаршилик ҳаракати қатнашчиларини қулоққа тортиш ва катағон қилиш сиёсатининг мақсад ва муддаолари ҳамда унинг оқибатларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жануби-Шарқий Бухорода совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши кураш 1920-1930 йилларда Сурхон воҳаси мисолида танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини Жануби-Шарқий Бухоро, шу жумладан Сурхон воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши олиб борилган кураш, миллий озодлик ҳаракати етакчиларининг ҳаёти, мақсад ва муддаолари, ҳаракат қатнашчиларининг ижтимоий таркиби, уларнинг мағлубиятга учраш сабаблари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихийлик тамойили асосида хронологик, кетма-кетлик, тизимли ёндошув, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жануби-Шарқий Бухорода Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва Қизил Армия босқинига қарши олиб борилган курашнинг тартибсиз халқ ҳаракати эмас, балки асрлар давомида шаклланиб келган миллий қадриятлар, қадимий маданият, урф-одатлар ва давлатчилик анъаналарини сақлаб қолишга қаратилган озодлик ҳаракати бўлганлиги далилланган;

воҳада миллий озодлик ҳаракатларининг бошланишига катта ҳисса қўшган ва жанговор ҳаракатларда тўғридан-тўғри қатнашган Абдулмўминбек Қулмўмин ўғли, Миён Сафиюллоҳ Ўроқхон, Олимбек, Хўжамшукур тўқсабо, Мулла Ҳазратқул, Мулла Болта, Саййид Тожиддинхон, Жўра оқсоқолларнинг исмлари аниқланган;

озодлик ҳаракатининг тинч аҳоли томонидан қўллаб-қувватланиш сабаблари, миллий кучларга Иброҳимбек, Анвар Пошо, Салим Пошо, Хуррамбек сингари қўмондонларнинг бошчилик қилиши ва уларнинг

инсонпарварлик, сулҳ тузиш соҳасидаги олиб борган ҳаракатларининг совет ҳукумати томонидан рад этилганлиги далилланган;

совет ҳокимиятининг миллий озодлик ҳаракатини тўхтатиш учун ўтказган тадбирлари, ер-сув ислохотлари, ёппасига жамоалаштириш (мол-мулкнинг тортиб олиниши) ва истиқлолчиларга қарши қўллаган ялпи қатағон сиёсати воҳадаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг янада оғирлашувиға сабаб бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

Жануби-Шарқий Бухорода совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва туб аҳолининг босқинчиларга қарши олиб борган миллий озодлик кураши тўғрисида маълумот берувчи кўпгина архив ҳужжатлари илк бор илмий муомалаға киритилган;

миллий озодлик ҳаракатида қатнашган маҳаллий беклар ва кўрбошилларнинг фидойилиги ва жасорати, воҳа аҳолиси бошидан кечирган оғир талофатлар ва машхур қўмондонларнинг аччиқ қисмати тўғрисидаги маълумотлар ёш авлодға юртсеварлик, мардлик, жасурлик, ватанни ҳимоя қилиш ғоясини янгича руҳда сингдиришға хизмат қилади;

Жануби - Шарқий Бухорода совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши кураш тарихи илк бор 1920-1930 йиллар чегарасида, Сурхон воҳаси мисолида ўрганилиб, тадқиқот бўйича хулоса, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кўплаб архив ҳужжатлари, тарихий манбалар, илмий адабиётлар ва дала материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар Республика ва халқаро илмий анжуманларда кенг муҳокама қилинганлиги, амалий натижаларнинг эса ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертацияда келтирилган маълумотлар Жануби-Шарқий Бухорода совет ҳокимиятининг ўрнатилишиға қарши халқ озодлик ҳаракати, миллий кучларға бош бўлган етакчилар ва унда қатнашган оддий халқ вакилларининг фаолияти, уларнинг аянчли қисмати тўғрисидаги илмий билимларни чуқурлаштириб, назарий-методологик хулосаларни янада мукаммаллаштиради;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Сурхон воҳасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши кураш тарихини назарий ва фактик материаллар билан бойитишда, шунингдек, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабалари, магистрантларига Ўзбекистон тарихидан дарслик, ўқув қўлланмалари, дастурлар тайёрлаш, махсус курслар яратишға хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жануби – Шарқий Бухорода совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши кураш 1920-1930 йилларда Сурхон воҳаси мисолида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Жануби-Шарқий Бухородаги миллий озодлик ҳаракатида қатнашган юртдошларимиз, шу жумладан, Кўчаров Мустафоқулбек, Ёрматов Тошбой

мирохур, Мусаев Қурбон, Гала Имомқулов, Чоршанби Ғафуров, Чори Аллабердиевларнинг совет тузуми томонидан қатағон қилиниши билан боғлиқ маълумотлар архив ҳужжатларидан фойдаланилди («Қатағон қурбонлари хотираси» музейи фондларини манбалари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2020 йилнинг 16 октябрдаги 73-сон хати). Натижада, архив ҳужжатларининг нусхалари, сургун қилинганлар, босмачи деб ноҳақ айбланганларнинг фотосуратлари ва шахсий ҳужжатлари, шунингдек, оғзаки тарих материаллари экспозициянинг янада қизиқарли бўлишига хизмат қилган:

совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Жануби–Шарқий Бухорода озодлик ҳаракатининг бориши ва унинг натижалари, қаршилик ҳаракати иштирокчиларининг қаҳрамонлиги ва уларнинг фожиали ҳаёти, миллий кучларга нисбатан ўтказилган қатағонлик сиёсатининг оқибатлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилди («Ўзбекистон тарихи» телеканалининг «Такдимот» кўрсатуви ҳақидаги Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 27 ноябрдаги 02-40-1180-сонли хати асосида). Бу эса, совет ҳокимиятининг миллий озодлик ҳаракатини тўхтатиш учун ўтказган тадбирлари ва истиқлолчиларга қарши қўллаган ялпи қатағон сиёсатининг воҳадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни янада оғирлашувига оид материалларни ёритиш асосида телекўрсатувлар мазмунини бойитиш ва томошабинларнинг тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та конференция ва семинарларда, жумладан, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси тавсия этган илмий журналларда 3 та, халқаро журналларда 1 та мақола, шунингдек, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, унинг илмий жиҳатдан ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, даврий чегараси, тадқиқот методлари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, апробацияси, манбавий асослари ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **«Жануби-Шарқий Бухорода совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши курашнинг бошланиши»** деб номланган биринчи бобида Сурхон воҳасида совет режими ўрнатилиши арафасидаги ижтимоий-сиёсий вазият, қизил армия босқинининг рўй бериши ва унга қарши курашнинг бошланиши билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган.

Бухоро амирлиги совет режими ўрнатилгунига қадар ўрта асрчилик анъаналарига таянган ҳолда бошқариладиган давлат бўлиб, дунёнинг илғор

давлатларидан қараганда анча қоқоқ эди. Бу давлат 1868 йилдан бошлаб Россия империясининг вассалига айланган ва сиёсий жиҳатдан унга қарам бўлган. Бухоро амирлигини ўзбекларнинг манғит қабиласидан чиққан ҳукмдорлар бошқаришган. Бухоронинг сиёсий ва маъмурий бошқаруви кушбеги томонидан амалга оширилган. Давлатнинг молиявий ишлари билан девонбеги шуғулланган. Диний масалалар ва суд ишлари қозиюл-қуззот – бош қозининг ишига кирган³⁹.

Қайд этиш жоизки, 1888 йилда Бухоро амирлиги билан тузилган битимга кўра, Россиянинг ички губерняларидан кўчиб келувчи рус аҳолиси Янги Бухоро, Чоржўй, Каркида, 1892 йилдан эса Термизда ҳам ўрнашиб, кўчмас мулк сотиб олишларига рухсат берилган эди⁴⁰. 1893 йилнинг 15 январида Бухоро амири томонидан ҳозирги Термиз шаҳри ҳудуди Россия императорига ҳарбий истехком куриш мақсадида берилди. Шундан кейин бу ерга 7-чегара ҳарбий округига кирувчи ҳарбий қисмларни жойлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ҳарбий округ қароргоҳи Ашхабод шаҳрида эди. 1894 йил 12 декабрда Термизга 31-Амударё чегара бригадаси келиб жойлашган бўлиб, у бу ердаги энг йирик ҳарбий қисм эди. Бундан ташқари, 54-казак дружинаси, Тошкент дружинаси, 9-Туркистон полки, захирадаги 6-Сибир ўқчи полки, қалъа артиллерияси ротаси ҳам Термизда жойлашган эди. Паттакесар қишлоғи 31-Амударё чегара бригадаси қароргоҳи қилиб белгиланди. 1900 йилда бу ерга 2-Оренбург полки ва Туркистон батальони ҳам келтирилди⁴¹.

Россиянинг Биринчи жаҳон урушида қатнашиши, фронтлардаги мағлубиятлар ва оғир иқтисодий қийинчиликлар «халқлар турмаси» деб ҳисобланган улкан империяни кулатди. 1917 йил февраль ойининг охирларида Петроград шаҳрида бўлиб ўтган инқилобий воқеалар подшо ҳокимиятини ағдариб ташлади. Ҳокимият Муваққат ҳукумат кўлига ўтди.

Россияда бўлаётган воқеалар пойтахт Бухорога ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бухоролик жаидлар бу вақтга келиб ташкилий жиҳатдан анча уюшган, ўзининг сиёсий партиясига эга эдилар. Бу партия ёш бухороликлар деб аталиб, 1910 йилда ташкил топган эди. Ёш бухороликлар мамлакатни европача андозалар асосида ривожланган давлатлар қаторига кўшишни, демократик ўзгаришлар қилишни мақсад қилиб кўйган эдилар. Бухоролик жаидларга Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат сингари машҳур маърифатпарварлар бошчилик қилишди. Уларнинг аксар етакчилари ёшлардан иборат эди. Жумладан, Файзулла Хўжаев (1896-1938) Бухородаги сиёсий жараёнларда 16 ёшидан бошлаб кўшилган. 1913 йили, яъни 17 ёшида Ёш бухоролик инқилобчилар партияси Марказий Кўмитасининг аъзоси бўлган⁴².

Шу билан бирга, Бухоро жаидларининг амир ҳокимиятини йиқитишга кудрати етмасди. Буни тўғри тушунган жаидлар қулай пайт келишини кутишди. Подшо ҳокимияти ағдарилгандан сўнг, 1917 йил 12 мартада Россия Муваққат ҳукуматининг Янги Бухоро(Когон)даги ижроқўми сайланади. Ёш

³⁹ Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. –Тошкент: Фан, 1991. –Б. 27.

⁴⁰ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том 1. –СПб, 1911. –С. 36.

⁴¹ Кичкилов Х. Термизда инқилоб бўлганми? // “Сурхон тонги” газетаси, 1994 йил 24 май.

⁴² ЎзМА, 86-фонд, 1-рўйхат, 1934-иш, 8 варак.

бухороликлар Муваққат ҳукуматга мурожаат қилиб, амирни ислоҳот ўтказишга кўндиришни сўрайдилар. 1917 йил 15 мартда Ёш бухороликлар Марказий Қўмитасига сайлов бўлиб ўтиб, унда Абдувоҳид Бурҳонов раис, Фитрат котиб, Усмонхўжа Пўлатхўжаев хазиначи этиб сайланадилар. Шу даврнинг ўзида жойларда Ёш бухороликларнинг 50 дан ортиқ маҳаллий ташкилоти иш олиб борар эди⁴³.

Муваққат ҳукумат ва Ёш бухороликлар таъсирида Саййид Олимхон ислоҳотлар ўтказишга розилик берди. 1917 йил 7 апрелда ислоҳотлар тўғрисидаги Баённома эълон қилинади. Амир давлат тузумини унча ҳам ўзгартирмаган ҳолда қисман ўзгаришлар қилишга розилик берди. Аммо ёш бухороликлар ва реакцион кучларнинг тўқнашуви натижасида Саййид Олимхон бу ислоҳотларни бекор қилишга мажбур бўлди.

1917 йилнинг 21 апрелида Термизда ишчи ва аскарларнинг бирлашган митинги бўлиб ўтади. 31-Амударё бригадаси ҳарбий қўмитаси ишчилар иттифоқи билан алоқа боғлайди ва 22 апрелда зобитлар уйида Ишчи-аскар депутатлари совети тузилганлиги эълон қилинади. Совет раислигига Преображенский (Тошкентда ўлдирилган 14 комиссарнинг бири), котиблигига эса К.Ф.Круликовский сайланади (у кейинчалик Термизда яшаб вафот этган⁴⁴).

1917 йил 25-26 октябрда (янги сана билан 7-8 ноябрда) Муваққат ҳукумат большевиклар томонидан қурол кучи ёрдамида ағдарилди. Россияда В.И.Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси ҳокимият тепасига келди. Мамлакатда совет режими ўрнатилди⁴⁵.

Рус большевиклари ва уларга эргашган рус ишчилари 31 октябрдан 1 ноябрга ўтар кечаси (янги сана билан 13-14 ноябрь) Термиздаги Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Қўмитаси вакиллари қамоққа олдилар. Шаҳарнинг рус аҳолиси қисмида ҳокимият Преоблицкий бошчилигидаги советлар кўлига ўтади. 1917 йил 2-5 декабрида Термизда ишчи, солдат ва деҳқонлар съезди бўлиб ўтади ва унда ҳокимият Советлар кўлига ўтганлиги эълон қилинади⁴⁶.

Шу даврда Бухоро жадидлари большевиклардан ёрдам олмоқчи бўлдилар. Бироқ большевикларнинг Бухоро амирлигига нисбатан ўз сиёсати мавжуд бўлиб, унга кўра амирлик ҳокимиятини ағдариш ҳамда Бухорода тузиладиган янги ҳукуматни Совет давлатининг таркибий қисми сифатида ўзларининг мақсадлари йўлида ислоҳ қилмоқчи эди.

1917 йилнинг декабрида бухоролик жадидлар Тошкентга Ф.Хўжаев бошчилигидаги делегацияни юборишади. Музокаралар натижасида Туркистон ХКС Раиси Ф.Колесов ёш бухороликларга ёрдам беришни ваъда қилади⁴⁷. Қўқондаги Туркистон Мухторияти қонга ботирилгач, навбат Бухоро амирлигига келади. 1918 йилнинг март ойида Ф.Колесов ўз кучларига ортиқча баҳо бериб, енгил ғалаба қозониш умидида Бухорога юриш қилди. Лекин бу

⁴³ Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. –Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2011. –Б. 11-12.

⁴⁴ Азимов М. Термиз тарихи. –Термиз: Насаф, 2001. –Б. 144.

⁴⁵ Боффа Дж. История Советского Союза. Том 1. От революции до второй мировой войны. Ленин и Сталин. 1917-1941. Пер. на русский И.Б.Левина. –Москва: Международные отношения, 1990. –С. 50.

⁴⁶ Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. –Термиз: Жайхун, 1993. –Б. 50.

⁴⁷ Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. Ташкент, 1926. –С. 42-51.

юриш большевиклар ва ёш бухороликларнинг мағлубияти билан тугайди. Амир ўз вақтида барча ҳарбий кучларини олиб келишга улгурди. Колесов қўшинлари қуршовга қолиб кетди. Фақат Тошкентдан етиб келган ёрдам кучларигина Колесовни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолди⁴⁸.

1919 йилнинг 26-31 декабрида Тошкентда БКП нинг III съезди бўлиб ўтди. Съезд партия бўлимлари қошида инқилобий қўмиталар тузишни лозим топади. Шундай қўмита Термизда ҳам тузилади. Қўмитанинг асосий вазифаси оммани қуролли қўзғолонга тайёрлашдан иборат эди⁴⁹.

Бухоро амирлигини тугатиш бўйича ишлар механизми сирли ҳолатда амалга оширилди. Совет раҳбарияти мазкур масалада ўзига хос йўлдан борди, яъни Абдуқодир Муҳиддинов раҳбарлигида инқилобий қўмита, Файзулла Хўжаев раислигида Халқ комиссарлар совети тузилди. Ушбу ҳукуматнинг фаолиятини назорат қилиш эса Ўрта Осиё Бюроси, Турк комиссия зиммасига юклатилди. 1920 йилнинг 29 августидан бошлаб Туркфронт қўшинлари Бухоро шаҳрига ҳужум бошлади. Жанг давомида юзлаб замбараклар ва самолётлар ишга солинди. Эски Бухорога минглаб снарядлар ва бомбалар ташланди. Шаҳар ҳимоячилари қаторида минглаб кексалар, аёллар ва болалар ҳалок бўлди. Юзлаб уй-жойлар, меъморий обидалар яксон бўлди⁵⁰.

1920 йил 2 сентябрда Саййид Олимхон Шарқий Бухорога чекинишга мажбур бўлди. Бу ерда у ўз тарафдорларидан қўшин йиғишга киришди. 1920 йил ноябрида амир қўшинлари Бойсун ва Шерободни ўз назоратига олади. Сурхон воҳасида мустақиллик учун кураш олиб борувчилар сони анча ошди. Мунтазам армиянинг мавжуд эмаслиги, қурол-яроқларнинг етишмаслиги, замонавий-ҳарбий мутахассисларнинг деярли йўқлиги ва бошқа қатор қийинчиликларга қарамасдан, қисқа муддат ичида Шарқий Бухорода қизил аскарларга қарши тура оладиган катта миқдордаги ҳарбий кучлар тўпланди. Бухоро халқ Республикаси Ревкоми номига жўнатилган разведка маълумотида айтилишича, 1920 йил 23 ноябр ҳолатига кўра, Бойсунда Бўри Тўқсабо қўмондонлигида 7000 киши (5 та пулемёти билан), Денов шаҳрида 1000 киши, Сариосиёда 3000 киши, Сангардак қишлоғида 140 киши, Бахчи қишлоғида (Тошқўрғондан 20 чақирим жануби-шарқда) Эшон боши қўмондонлигида 600 киши, Дарбандда 100 кишилик қўшин тўпланди⁵¹.

1920 йил 17 декабридан 1921 йил 7 январигача Н.Марсов бошчилигидаги «Ҳисор экспедицияси» қўшинлари ҳужумга ўтиб, Дарбанд, Бойсун, Шерободни қўлга киритади. 1921 йилнинг 11 февралда қизил аскарлар Бандихон дараси томон юриш бошлади. Бу ерда 1-Туркистон кавалерия полки аскарлари Саййид Олимхоннинг 10 минглик қўшинини мағлубиятга учратади⁵². Қизил Армия қўшинлари ҳужумни давом эттириб,

⁴⁸ Becker S. Russia's Protectorates in Central Asia Bukhara and Khiva, 1865-1924. London - New York: Routledge Curzon. 2004. pp. 207-210.

⁴⁹ Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. –Б. 51.

⁵⁰ Генис В.Разгром Бухарского эмирата в 1920 году. «Вопросы истории» 1993, №7, стр. 49-50

⁵¹ Ражабов Қ. Бухорога Қизил Армия босқини ва унга қарши кураш. Тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар). – Тошкент: Маънавият, 2002. –Б. 60.

⁵² Козловский Е. Красная Армия в Средней Азии. Военно-исторический очерк. –Ташкент, 1928. –С. 48.

1921 йил 15 феввалида Деновни эгаллади. 16 февраль куни Юрчи, Сариосиё ва Сарижуй ҳам босиб олинди. Қизил аскарлар Регарда жиддий қаршиликка учрашига қарамай, бу шаҳарни ва сўнгра Қоратоғни ҳам эгаллашга муваффақ бўлишади⁵³. 21 февраль куни қизил аскарлар Душанбе шаҳрига юриш бошлади. Икки кунлик жанглардан сўнг Душанбе шаҳри таслим бўлди. Сайид Олимхон 1921 йил 5 мартада Чубак деган жойдан Афғонистонга ўтиб кетди. У билан бирга Иброҳимбек ва Давланмандбий ҳам Афғонистонга ўтиб олишди⁵⁴.

Совет ҳукумати ўзининг илк ҳаракатида халқни ўз томонига тўлиқ оғдириб олиш йўлини тутиб, камбағал табақаларни кўпроқ сиёсий ҳаётга жалб этишга киришади. Термиз, Шеробод, Денов, Бойсун, Жаркўрғон ва Шўрчида 1921 йилнинг январ ойида инқилобий кўмиталар тузилди. Улар асосан ички душманларни тугатиш, совет ҳокимиятини тўлиқ ўрнатишни таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб олган эди. Большевиклар маҳаллий халқни иккига бўлиб ташлаб, бир - бирига қарши кўйишга ҳаракат қилдилар. Айниқса, 1921 йил январиди Бойсунда ташкил этилган инқилобий кўмитада ишлаган Ибодулла Ҳалимов, Мирзо Салим Дўстмуродов, Мирзо Ғулом Қодирий, Жалол Каримов, Қудрат Бобоев, Азим Аннақулов қабилар бу сиёсатни амалга оширишда фаол иштирок этади. Чунки саводи бўлмаган, ватан, халқ манфаатини тўлиқ тушуниб етмаган бундай кишилар халқ қисматини оғир аҳволга солиб кўйган эдилар.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Совет ҳокимияти қарши миллий озодлик ҳаракати ва унинг натижалари**» деб номланади. Унда 1921-1926 йилларда Сурхондарёда миллий озодлик ҳаракатининг бориши, миллий озодлик ҳаракати етакчиларининг фаолияти ва ҳаракатнинг мағлубиятга учраш сабаблари баён этилади.

Совет ҳукумати жойларда ўзининг жазо органларини ҳам тузиб олди. Барча вилоятларда фавқулодда комиссиялар, махсус бўлимлар, ГПУлар ташкил этилди. Ҳар бир вилоят ва туманда инқилобий кўмиталар (ревкомлар) тузилди. 1921 йил январиди Бойсун ревкоми раиси лавозимига қаркилик Ибодулла Ҳалимов тайинланади. Ўша пайтда Бойсун фавқулодда комиссиясига Ҳасанов, махсус бўлимга Гейзер, ГПУга Олтибой Абдуллаев бошчилик қилди⁵⁵. Вилоят ва туман ревкомлари Қизил Армия қисмларини озиқ-овқат, ем-хашак билан таъминлаш, тартибни сақлаш, тарғибот-ташвиқот ишлари билан шуғулландилар. Улар ўз ҳаракатлари билан совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун хизмат қилдилар⁵⁶.

Шунга қарамай, большевиклар ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлашда жиддий қийинчиликларга дуч келишди. Бухоро Республикаси ҳукумати Шарқий Бухорода жанг олиб бораётган қизил аскарларни озиқ-овқат, ем-хашак, ётоқ жой билан таъминлай олмади. Бунинг устига, оғир шароитларда бўлаётган

⁵³ Турсунов С., Турдиев Т. Денов. –Тошкент: Фан, 2009. –Б. 208.

⁵⁴ Умаров И. Миллий мустақиллик учун курашганлар.–Б. 57.

⁵⁵ Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Б. 20.

⁵⁶ Турсунов С., Қобулов Ҳ., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 133.

тўқнашувлар қизил аскарларнинг руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатган эди. Бундай шароитда қизил аскарлар реквизиция йўли билан аҳоли қўлидаги озиқ-овқат, ем-хашакни тортиб олиш, ўғирлик билан шуғулланиш, аёлларнинг номусига тегишдек жирканч ишларни содир эта бошлашди.

Қизил Армия қисмларининг зўравонлиги халқ кўзғолонларининг бошланишига сабаб бўлди. 1921 йил июнь ойида Фарм, Балжувон, Файзобод, Кўлоб, Қоратегин бекликлари аҳолиси кўзғолон кўтарди⁵⁷. Туб аҳолининг адолат йўлидаги кураши Совет ҳукумати томонидан нотўғри талқин қилиниб, унинг қатнашчиларига «босмачилар» деган тамға ёпиштирилди. «Босмачи» – туркийча «босмоқ» сўзидан олинган бўлиб, хужум қилиш тушунчасини англатади. Чор Россияси даврида йўлтўсар ва қароқчиларга нисбатан шундай ном ишлатилган. Лекин 1918 йилда Кўқондаги Туркистон Мухторияти большевиклар томонидан ваҳшиёна равишда қонга ботирилгач, «босмачи» номи билан миллий-озодлик ҳаракати қатнашчилари атала бошланган. Таъкидлаш жоизки, 1918-1931 йилларда айрим қуролли тўдалар гўёки қаршилик ҳаракати қатнашчилари сифатида оддий аҳолини талаш, қишлоқларга босқин уюштириш билан шуғулланганлар. Шу боис бундай тўдалар аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмаган, уларни кўп ҳолларда деҳқонлар ва қаршилик ҳаракати қатнашчиларининг ўзлари жазолашар эди. Шундай бўлсада, совет тарихшунослигида ана шундай жинойтчи тўдаларга нисбат берилиб, бутун қаршилик ҳаракати иштирокчилари камситилган ва «босмачилар» сифатида атаб келинган. Бу тамға 1920 йил кузидан бошлаб Бухоро истиқлолчиларига нисбатан ҳам қўлланилган. Мустабид режимга қарши кураш олиб борган аждодларимиз эса ўзларини «мужоҳидлар» деб аташган. Мустақиллик йилларида «босмачи» атамасидан воз кечилиб, ўрнига «истиқлолчи», «қаршилик ҳаракати», «миллий озодлик ҳаракати» атамалари кенг қўлланилмоқда⁵⁸

Бундан кейинги даврда Шарқий Бухородаги қаршилик ҳаракатига Иброҳимбек етакчилик қилди. Иброҳимбек илгари Ҳисор бегига қилган хизматлари учун қоровулбеги унвонига, кейинчалик Саййид Олимхон томонидан девонбеги, тўпчибоши ва лашкарбоши лавозимларига кўтарилган. 1921 йил баҳорида Саид Олимхон томонидан Иброҳимбек девонбеги қизил аскарларга қарши курашаётган Бухородаги бутун кўшинларнинг Олий бош қўмондони қилиб тайинланган⁵⁹.

Шарқий Бухорода жанглар қизиб турган бир пайтда кураш майдонига яна бир йирик йўлбошчи – Анвар Пошо (1881-1922) кириб келди. Биринчи жаҳон урушидан кейин Анвар Пошо Россияга кетишга мажбур бўлган эди. 1921 йил 20 октябрда 2 нафар ёрдамчиси: Бартинли Муҳиддинбек ва Ҳожи Самибей (Салим Пошо) билан Бухорога келади⁶⁰.

⁵⁷ Козловский Е. Красная Армия в Средней Азии. –С. 48.

⁵⁸ Алимова Д. А. История как история, история как наука. Том I. Историческое сознание. –Ташкент: Узбекистан, 2008. –С. 37-38, 58-60.

⁵⁹ Ражабов Қ. Иброҳимбек кўрбошининг жасорати // «Таълим ва инновацион тадқиқотлар» журнали, 2021 йил 5-сон, октябрь. –Б. 9.

⁶⁰ Zaki Velidi Togan. Natiralar. 2-baski. – Ankara, 1999. – S. 386.

1921 йилнинг декабрь ойида Анвар Пошо Кўктошда кўрбошиларнинг кенгашини чақиришга эришади. Ушбу кенгашда Анвар Пошо «Исломнинг жами қуролли кучлари бош кўмондони» деб эълон қилинади. Анвар Пошо Бухоро тахтига даъво қилмаслиги, Совет ҳокимияти тугатилгач, Саййид Олимхонни тахтни қайтариб олиш учун чақиришини маълум қилади. Кенгашнинг барча қарорларини Саййид Олимхон маъқуллаган эди.

Анвар Пошо Шарқий Бухородаги барча миллий кучларини ўз қўли остига тўплагач, Душанбени озод қилиш учун сўнгги қатъий ҳужумга ўтди. Анвар Пошонинг кўққисдан ҳужуми руслар учун жуда муҳим бўлган шаҳарнинг қўлдан кетиши билан яқунланди⁶¹.

Шарқий Бухорода кенг тарқалаётган миллий-озодлик ҳаракатини тўхтатиш, «босмачиларни» қириб ташлаш мақсадида РКП(б) Марказий қўмитаси 1922 йил 18 майда «Туркистон-Бухоро ишлари тўғрисида» қарор қабул қилади. Бу ҳужжат Бухорода совет ҳокимиятини мустақамлаш, Анвар Пошо кўшинларини тугатиш ва буржуа миллатчиларини тор-мор қилишда Ўрта Осиё республикаларининг партия ташкилотлари учун жанговар ҳаракат дастури бўлиб хизмат қилди⁶².

